



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2020 йил 8 ноябрь, № 236 (7738)

Якшанба

Сайтнинг QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри дўстлар! Аввало, ўз ҳаётини эл-юрт саломатлигини асрашдек гоят масъулиятли ва шарафли ишга бағишлаган сиз, азизларни касб байрамингиз — Тиббиёт ходимлари кунин билан чин қалбимдан самимий табриклар, барчангизга ўзинингиз чукур ҳурматини ва эзгу тилақларини билдиришдан мамнунман.

Халқимиз сизларни дунёдаги энг улуғ касб эгалари, муқаддас қасамёдига содиқ, ўз ишга фидойи инсонлар деб билади ва машаққатли меҳнатингизни юксак қадрлайди.

Айниқса, ҳозирги мураккаб пандемия шароитида чинакам саломатлик посбонлари бўлиб майдонга чиқаётганингиз ҳар қандай таҳсин ва тасанноларга муносибдир.

Ушбу хавфли касалликка чалинган минг-минглаб юртдошларимизнинг шифо топиб, оиласи бағрига қайтаётганида, ҳеч шубҳасиз, сизларнинг беқиёс хизматларингиз бор.

Фурсатдан фойдаланиб, бу машаққатли қурашнинг олдинги сафларида туриб, ўз ҳаётини хавф-хатарга қўйиб, жасорат ва матонат намунасини кўрсатиб келаётган барча тиббиёт ходимларига ўз номидан, бутун халқимиз номидан яна бир бор чукур миннатдорлик билдираман.

Хурматли тиббиёт ходимлари! Биз ўз олдимизга халқимизни ҳар томонлама рози қилишдек улуғ вазифани қўйган эканмиз, бу мақсадга эришиш йўлида соғлиқни сақлаш тизимини жадал ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият қаратмоқдамиз.

Кейинги йилда бу борада сизлар билан бирга улкан ишларни амалга оширдик. Бу даврда соҳага доир 200 га яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат, жумладан, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси қабул қилинганини қайд этиш лозим.

Юртимизда бирламчи тиббиёт-санитария, шошибил ва тез тиббий ёрдам, ихтисослаштирилган хизматлар тақомиллашиб бормоқда. Оналар ва болалар ўлимнинг олдини олиш, касалликларни барвақт аниқлаш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий маданиятни ошириш, аҳолининг ўртача умр кўриш даражасини узайтириш бўйича сезиларли натижалар қўлга киритилмоқда.

Бугун — Тиббиёт ходимлари кунин

БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ МУНОСИБ ВОРИСЛАРИ

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳаси жонқуярларига ана шундай юксак ишонч билдирилмоқда.

Инсон саломатлиги учун ўзини масъул ва жавобгар деб ҳисоблайдиган ҳар бир тиббиёт ходими билим ва малакасини доимий ошириб бориши, янги технологиялар ва даволаш усулларини ҳар томонлама пухта эгаллаш энг ўткир масалага, ҳаётини заруратга айланмоқда. Аминманки, Абу Али ибн Синодек буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари, Ўзбекистон тиббиёт мактаби анъаналарининг давомчилари бўлган сиз, азизлар, ўз фаолиятингизни ана шундай юксак мезонлар асосида ташкил этиб, олижаноб бурчингизни бундан буён ҳам шараф билан адо этасизлар.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



“Соғлиқ — энг катта бойлик”, дейди донишманд халқимиз. Дафъатан, бу сўзлар бир оз бандандаровоз туолар. Аммо саломатлигидаги ноқислик сабаб оғриқдан тунарлар ухломлай чиққан ёки ҳаётда юз берган бир кўнгилсизлик оқибатида ночорлик, ожизлик, ногиронлик чоҳига тушган инсон бу бойликнинг қадри, баҳоси нақддар банданд эканини теран англайди.

Соғлом инсонгина ҳаётда ўзини тўла бахтли ҳис эта олади. Унинг қалбига олам мунаварлиги тинч тонлар жилоси бор нафосати, бетакрорлиги билан намён бўлади.

Президентимиз томонидан мамлакатимизда инсонларнинг ана шундай саодатда умргузаронлик қилиши, эркин, соғлом ва бахтли ҳаёт кечирishiни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ҳудудларимизда уларнинг 18 та филиали ташкил этилди. Ушбу марказларда буйрак ва жигар трансплантацияси билан боғлиқ мураккаб операциялар ўтказилмоқда. Ҳатто вилотларимиз марказларида ҳам охирида кардиожароҳлик операциялари амалга оширилмоқда.

Хозирги вақтда юртимизда 5805 та хусусий тиббиёт муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Улар тиббий хизмат сифатини ошириш ва рақобат муҳитини кўнжайтиришга ҳизмат қилмоқда. Айни пайтда 70 дан ортиқ хусусий тиббиёт муассасаси коронавирус инфекцияси бўйича лаборатория хизматларини кўрсатиш, 25 та шундай клиника эса диагностика ва даволаш билан шуғулланмоқда. Айтиш керакки, хусусий секторни кўнжайтириш борасидаги ишларимиз бугунги мураккаб вазиятда ўзини тўла оқламоқда.

Давлат-хусусий шериклик тизими асосидаги тиббий объектлар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Жорий йилда умумий қиймати 51,4 миллиард сўмни ташкил этадиган 9 та давлат-хусусий шериклик ҳамда 187 та авторсинг шаклидаги лойиҳалар амалга оширилгани ҳам шундан далolat беради.

Республикаимизда Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармасини ташкил этганимиздан хабарингиз бор. Жамғарма маблағлари ҳисобидан Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси 150 та замонавий “Форд” тиббий ёрдам автомашинаси билан таъминланди. Натижада юртимиз бўйича тез тиббий ёрдам автомашиналари сони 2514 тага етди. Энг муҳими, мазкур тизимда хизмат сифати яхшиланиб бормоқда.

Мамлакатимизда биринчи марта Гемодиализ хизматлари бўйича концепция ишлаб чиқилиб, ҳозирги кунда уни амалга оширишга киришилди.

Яна бир муҳим масала — соҳа учун юксак малакали кадрлар тайёрлаш бўйича ҳам муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу борада 2020 йилда тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртига қабул квоталари бақлавариат босқичи учун 27 фоиз, магистратура йўналишида 28 фоиз ва клиник ординатура тизимида 22 фоизга оширилгани ва янги мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилгани гоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Хозирги вақтда Германия, Италия, Россия, Корея Республикаси, Туркия, Беларусь, Украина каби давлатларнинг олий таълим муассасалари

билан ҳамкорликда талабалар зарур мутахассисликлар бўйича қўшма таълим дастурлари асосида ўқитилмоқда.

Муҳтарам соҳа ходимлари! Албатта, соғлиқни сақлаш тизимидаги барча ислохотларимиз натижаси, аввало, ҳурматли шифокор ва ҳамширалар, ёшларга тиббиёт сирларини ўргатаётган профессор-ўқитувчилар, илмий ходимларнинг фидокорона меҳнати, маҳорат ва тажрибасига боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши тушунаемиз.

Тиббиёт ходимлари кунин арафасида ўтказилган катта анжуманда сизлар билан бирга мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини бугунги кун талаблари асосида ривожлантириш, соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш, профилактика ишларини кўнжайтириш, айниқса, соғлом турмуш тарзи тамойилларини кенг жорий этиш, диагностика ва даволаш жараёнидаги рақамли технологиялар, инновацион ёндашувларни татбиқ қилиш билан боғлиқ энг муҳим ва долзарб вазифаларни белгилаб олдик.

Бутун халқимиз қатори бугунги оғир синовлардан мардона ўтаётган, замонамизнинг чинакам қаҳрамонлари бўлган сиз, тиббиёт ходимлари ана шундай масъулиятли вазифаларни адо этишда фаол иштирок этиб, барчага ўрнак ва намуна бўласизлар, деб ишонаман.

Сизларнинг машаққатли ва олижаноб меҳнатингизни муносиб қадрлаш, тизим учун малакали кадрлар тайёрлаш, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасининг рақобатбардошлигини ошириш, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва хоржий тиббиёт марказлари билан амалий ҳамкорликни кўнжайтириш, телемедицинани ривожлантириш масалалари бундан буён ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Сизларни қутлуг касб байрамингиз билан яна бир бор самимий муборакбод этиб, барчангизга бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барак тилайман.

Қўлингиз дард кўрмасин, хамиша соғ-омон бўлинг, азиз шифокорлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ — КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЗЧИЛ КУРАШИЛМОҚДА

Коррупция — тараққиёт кушандаси. Унга қарши курашиш ҳар қачон долзарб бўлган ва бу борада ҳар бир давлатнинг ўз мақсад-муддоси ҳамда позицияси мавжуд. Бинобарин, юрт раънақи, халқ фаровонлигини ўйлаган давлат бу иллат билан муроца қилмайди. Қандай бўлмасин, унинг пайини қирққишга, илдизига болта уришга, сабаб ва оқибатларини чукур таҳлил этишга ҳаракат қилади.

Долзарб мавзу

Бу хусусда кеча Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н. Йўлдошев раислигида коррупция ҳолатлари кузатилаётган соҳалар ҳамда вазирлик ва идораларда бунинг сабаб ва шарт-шароитларига бағишланган идоралараро йиғилишда айтиб ўтилди. Видеоселектор тарзида ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходимлари, Ҳукумат аъзолари, Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси вакиллари, тегишли вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари ва масъул ходимлари қатнашди.

Жойлардан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилотлар, туман-шаҳар ҳокимлари, прокурорлари, тегишли вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари иштирок этди. Айтиш керакки, кейинги йилларда мамлакатимизда Президентимизнинг ташаббуси ва қатъий сиёсий иродаси туфайли коррупцияга қарши муроца қилишга катта эътибор қилиниши натижасида охириги тўрт йилда 70 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Таҳлил



Инсон тафаққури ва изланишлари мақсули бўлмиш интеллектуал мулк самарасини бугун барча жабҳада кўриш мумкин. Бинобарин, ҳозир фойдаланаётган замонавий технологиялар, умуман, кундалик ҳаётимизни қаноати ана шу салоҳият билан чамбарчас боғлиқ. Мамлакатимизда интеллектуал мулк қай даражада ривожланмоқда? Олиму тадқиқотчиларимизга зарур шарт-шароитлар яратиб берилгандими? Тошкент ахборот технологиялари университети профессори, сиёсий фанлар доктори Бахтиёр ОМОНОВ билан шулар хусусида фикрлашдик.

— Бунга Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 12 октябрь кунин интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган йиғилишда айтган фикрларидан жавоб олишимиз мумкин, — дейди суҳбатдошимиз. — Хусусан, йиғилишда давлатимиз раҳбари “Илм-фан ва инновацияни ривожлантириш, бу соҳадаги ютуқларни юқори қўшилган қий-матли маҳсулотга айлантиришда интеллектуал мулкнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш жуда муҳим. Дунёда товарларнинг бренд қиймати юқори ҳисобланади. Интеллектуал мулк Европада ялли ички маҳсулотнинг 45 фоизини, Хитойда 12, Россияда 7 фоизини ташкил этади. Афсуски, мамлакатимиз бу борада дунё бозоридан узоклашиб кетди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси томонидан Президентимизнинг “Қишлоқ ҳўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси бўйича Қишлоқ ҳўжалиги ҳамда Сув ҳўжалиги вазирликлари томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан эшитув ташкил этилди. Мазкур масала ҳақида вазир ўринбосарлари маълумот беришди.

Маълумотда келтириб ўтилганидек, 2019 — 2024 йиллар мобайнида қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмаётган 298,5 миң гектар суғориладиган ерларни фойдаланишга киритиш режалаштирилган. Ҳатто 2019 йилда 72,6 миң гектар, шундан 38,6 миң гектар қишлоқ ҳўжалигида оборотдан чиққан суғориладиган ерлар ҳамда 34 миң гектар ер ости сув захираси мавжуд лалми ва яйлор ерлар қишлоқ ҳўжалигида фойдаланишга киритилган.

Фойдаланишга киритилган майдонларнинг 59,3 миң гектарига қишлоқ ҳўжалиги экинлари экилган. Бундан ташқари, 17,8 миң гектар, шундан

Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ҳамда 2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди.



БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ МУНОСИБ ВОРИСЛАРИ

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳаси жонкуярларига ана шундай юксак ишонч билдирилмоқда.

Ушбу ҳужжатлар ижроси доирасида амалга оширилган ишлар натижасида юртдошларимизнинг оғир енгил, узоғи яқин бўлмоқда, десак, муболага эмас. Жумладан, ривожланган мамлакатларда қўлланилаётган илгор инновацион тиббий технологиялар юртимиз тиббиётида ҳам жорий этиляпти. Хусусан, Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика шонли тиббий ёрдам илмий марказида бўйрақ ва жигари кўчириб ўтказиш бўйича энг мураккаб операциялар муваффақиятли йўлга қўйилгани қўпбал инсонларнинг ҳаётига яна мазмун олиб

кирди, эртанги кунга ишончини, умидини мустаҳкамлади. Давлатимизнинг соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларига эътибор ва ғамхўрлиги дунёни даҳшатга солган кўринмас бало — коронавирус пандемияси даврида янада яққол намоён бўлди. Юртимизда ушбу оғир қарши аёвсиз кураш олиб бораётган жасорат ва матонат соҳибларини моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришнинг аниқ механизми яратилди. Ноябрь ойининг иккинчи ярқанбағи — Тиббиёт ходимлари кўни мамлакатимизда бу йил ҳам кўтаринки руҳда нишонланмоқда. Ушбу айём муносабати билан жойларда турли тадбирлар ўтказилмоқда. Соҳа фидойи-

ларига эҳтиром кўрсатилиб, дам олишлари учун санаторийларга бепул йўлланмалар берилмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлигида ўтказилган байрам тадбирида ҳам тизимда меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ мутахассислар “Меҳр-саҳоват” кўкрак нишони билан тақдирланди. Шубҳасиз, соҳани жаҳон талаблари даражасига олиб чиқиш учун ҳали кўп ишлар қилиниши керак. Кўни кеча Президентимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини такомиллаштириш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда соҳадаги долзарб масалалар кенг муҳокама қилинди. Мавжуд муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича мутасаддиларга аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берилди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги давр талаби шундайки, байрам кўнлари, тантанали айёмларда ҳам, ҳаётнинг ўзи олдимишга қўяётган турли муаммолар ҳақида ўйлашимиз, уларнинг самарали ечимларини топишимиз зарур. Барча соҳа қатори тиббиёт тизими олдимиш ҳам гоят мураккаб вазифалар юзасига келмоқда. Инсон саломатлиги учун ўзини шакллантириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу алоҳида таъкидланди.

бориши, янги технологиялар ҳамда даволаш усулларини хар томонлама пухта эгаллаши энг ўткир масалага, ҳаётий заруратга айланмоқда. Умидимиз шуки, Президентимиз, халқимиз томонидан Абу Али ибн Синодек буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари, Ўзбекистон тиббиёт мактаби аъёнларининг давомчилари сифатида эъзоз ва эҳтиромга, ишонга муносиб қўрилаётган соҳа меҳнаткашлари зиммаларидаги масъулиятни янада чуқур англаб, ўз фаолиятини ана шундай юксак меъзолар асосида ташкил қилади, олижаноб бурчини бундан буён ҳам шараф билан адо этади.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»)

ИСЛОҲОТЛАРИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДАГИ МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАЛАР

Президентимиз раислигида соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини такомиллаштириш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида тизимда олиб борилаётган ишлар танқидий, таҳлилӣ муҳокама қилинди.

Муносабат

Эътироф этиш жоизки, сўнгги 4 йилда, айниқса, коронавирус пандемияси даврида соғлиқни сақлаш соҳасига эътибор кучайтирилди. Кўринмас “ёв” билан курашаётган тиббиёт ходимларини моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган чоралар кўрилди.

Лекин, йиғилишда таъкидланганидек, бирламчи бўғинда олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмаслиги оқибатида 2019 йилги ўлим ҳолатларининг 60 фоизи шу бўғинда олдини олиш мумкин бўлган юрак-қон томир касалликлари ҳисобига тўри келган. Онкология йўналишидаги беморларнинг яримдан касаллик иккинчи ва учинчи босқичга ўтганлиги аниқланмоқда. Бирламчи бўғинда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати пастлиги учун аҳоли тўғридан-тўғри марказий шифоналарга боришга мажбур бўлмоқда.

Давлат раҳбари кишлоқ врачлик пункти (КВП)даги шароит билан умумий амалиёт шифокорига қўйилган талаб, иш ҳажми муносиб эмаслигига эътибор қаратди. Шу боис Президентимиз кишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиникалардаги тиббий хизмат тизими, шифокорлар ҳамда ўрта тиббиёт ходимларининг вазифа ва функцияларини тўлиқ қайта кўриб чиқиш зарурлигини айтди. Илгор хорижий тажриба асосида умумий амалиёт шифокорига айланатириш чоралари белгилаб берилди. Эндликда уларга ёрдам бериш учун терапия, педиатрия, акушерлик ҳамда патронаж бўйича тиббиёт бригадалари ташкил этилади. Бу бригадалар ўзларига бириктирилган оила ҳудудларида “тиббий харита”лар шакллантириб, манзилли иш олиб боради. Аҳолининг саломатлик ҳолати баҳолашни, электрон базаси яратилади. Бунинг учун тиббиёт ходимлари планшет, мобиль диагностика востилари билан таъминланадиган бўлиди.

Ҳозирги кунда худудларда тиббиёт кадрларига бўлган эҳтиёж ҳам оқорилғича қолмоқда. Шу муносабат билан, чекка худудлардаги бирламчи бўғин тиббиёт тизими учун “Кишлоқ шифокори” дастури жорий қилинадиган бўлди. Бу дастурга мувофиқ олис худудлардаги бирламчи бўғинга ишга кирган тиббиёт ходимларига 30 миллион сўм микродорида бир мараталк пул маблағи берилди, улар хизмат ўйи билан таъминланади ёки ижара тўлимини компенсация қилинади.

Бундан ташқари, бугун 40 фойз аёлларда фоллий кислотаси билан темир моддаси етишмаслиги кузатишмоқда, 5 ёшгача бўлган болаларнинг 55 фоизда темир моддаси етишмаслиги сабабли камқонлик келиб чиқарти. Бюгча ва мактаб ёшидаги 70 фойз болаларда инчак паразитар касалликлари мавжуд.

Давлат раҳбарининг топширигига кўра, 2021 йил 1 июндан бошлаб, 5 ёшгача бўлган болалар витаминлар ва микроэлементлар билан, 10 ёшгача ўғил-қизлар паразитларга қарши дорилар билан, ҳомилдор, эмизилма аёллар ва 15 ёшгача бўлган ўсимирлар йод препаратлари билан, 35 ёшгача аёллар фоллий кислотаси ҳамда феррум билан олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмаслиги оқибатида 2019 йилги ўлим ҳолатларининг 60 фоизи шу бўғинда олдини олиш мумкин бўлган юрак-қон томир касалликлари ҳисобига тўри келган. Онкология йўналишидаги беморларнинг яримдан касаллик иккинчи ва учинчи босқичга ўтганлиги аниқланмоқда. Бирламчи бўғинда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати пастлиги учун аҳоли тўғридан-тўғри марказий шифоналарга боришга мажбур бўлмоқда.

Давлат раҳбари кишлоқ врачлик пункти (КВП)даги шароит билан умумий амалиёт шифокорига қўйилган талаб, иш ҳажми муносиб эмаслигига эътибор қаратди. Шу боис Президентимиз кишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиникалардаги тиббий хизмат тизими, шифокорлар ҳамда ўрта тиббиёт ходимларининг вазифа ва функцияларини тўлиқ қайта кўриб чиқиш зарурлигини айтди. Илгор хорижий тажриба асосида умумий амалиёт шифокорига айланатириш чоралари белгилаб берилди. Эндликда уларга ёрдам бериш учун терапия, педиатрия, акушерлик ҳамда патронаж бўйича тиббиёт бригадалари ташкил этилади. Бу бригадалар ўзларига бириктирилган оила ҳудудларида “тиббий харита”лар шакллантириб, манзилли иш олиб боради. Аҳолининг саломатлик ҳолати баҳолашни, электрон базаси яратилади. Бунинг учун тиббиёт ходимлари планшет, мобиль диагностика востилари билан таъминланадиган бўлиди.

Ҳозирги кунда худудларда тиббиёт кадрларига бўлган эҳтиёж ҳам оқорилғича қолмоқда. Шу муносабат билан, чекка худудлардаги бирламчи бўғин тиббиёт тизими учун “Кишлоқ шифокори” дастури жорий қилинадиган бўлди. Бу дастурга мувофиқ олис худудлардаги бирламчи бўғинга ишга кирган тиббиёт ходимларига 30 миллион сўм микродорида бир мараталк пул маблағи берилди, улар хизмат ўйи билан таъминланади ёки ижара тўлимини компенсация қилинади.

Бундан ташқари, бугун 40 фойз аёлларда фоллий кислотаси билан темир моддаси етишмаслиги кузатишмоқда, 5 ёшгача бўлган болаларнинг 55 фоизда темир моддаси етишмаслиги сабабли камқонлик келиб чиқарти. Бюгча ва мактаб ёшидаги 70 фойз болаларда инчак паразитар касалликлари мавжуд.

ТИББИЁТ КЛАСТЕРЛАРИ СОҲАДА ТУБ БУРИЛИШ ЯСАЙДИ

Ўттиз беш йилдан буён терапия йўналишида ишлаб келяпман. Маълумки, ушбу мутахассислик соғлиқни сақлаш тизимидоги энг катта ва кенг тармоқли йўналиш ҳисобланади. Айни чоғда тиббиётнинг биринчи бўғини — оилавий поликлиника ҳамда кишлоқ врачлик пунктидаги умумий амалиёт шифокорларини тайёрлашда ҳам маъзур соҳа устувор саналади.

Фикр

Аммо узоқ йиллар ана шу ва бошқа тор мутахассисликдаги кадрлар етишмовчилиги кўйи бугун учунгина эмас, балки туман-шаҳар тиббиёт мурассасаларининг ҳам долзарб муаммоси бўлиб келди. Шундай вақтлар ҳам бўлдики, биргина шифокор ҳафтанинг белгиланган кўнлари бир неча кишлоқ врачлик пунктида ҳамда ўзининг асосий иш жойида ишлашига тўғри келди. Бу эса, биринчи навбатда, аҳолининг ўз вақтида малакали даволашни ва тиббий тавсия олишига салбий таъсир кўрсатмай қолмади.

навий тиббий усуналарга эга диагностика хизмати қарор топди. Одамларнинг биронта аппарат туфайли вилеят маркази ёки пойтахтга овоза бўлиб бориб-келиши сезиларли камайди. Шунингдек, энг кўп талаб этилаётган, боз устига чуқур таҳлил қилиш имкониятларига эга лаборатория ҳам аҳолига яқинлаштирилди.

Президентимиз 6 ноябрь кўни ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берган вазифаларда акс этганидек, ҳали соғлиқни сақлаш, соҳанинг энг муғим — бирламчи бўғини билан боғлиқ амалга оширишимиз лозим бўлган ишларимиз кўп. Шу ўринда, Сирдарё тажрибаси сифатида Гулистонда тиббиёт кластери ҳамда унинг негизда олий ўқув юрти ташкил этилиши биз, шифокорлар ва қолаверса, бутун вилеятимиз аҳолисига бехад хурсанд қилди. Ишончим комилки, маъзур лойиҳа ҳамда видеоселекторда белгиланган кенг қўламини режалар тез орада мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидоги туб бурилиш ясайди.

Рустам ҒОЗИЕВ, Сирдарё вилеятини кўп тармоқли тиббиёт маркази бўлим мудири, вилеят бош терапевти.

ХАЛҚАРО ҲАМҚОРЛИК АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиалида хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказлар билан алоқалар ривож топиб бормоқда. Таълим ҳамда амалиёт жараёнининг юксак даражада ташкил этилганлиги туфайли ушбу илм масканда таҳсил олишни хоҳловчи хорижий ёшлар сони ортыпти. Филиалда бугунги кунда Хиндустон, Россия, Туркменистон ва Қирғизистон давлатларидан келган 271 нафар талаба тиббиёт сирларини ўрганмоқда.

Таълим

Покистоннинг “ASL PHARMA” компанияси делегацияси филиалдаги шарт-шароитлар, таълим сифати билан танишиб, Покистон, Хиндустон, Бангладеш, Непал, Нигерия, Замбия, Жанубий Африка ва Гана давлатларидан тиббиёт соҳасида ўқишга истак билдирган 200 дан зиёд абитуриентларни Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалига жалб қилиш ташаббуси билан чиқди. Ҳозирги кунга 150 нафардан ортқ хорижий абитуриентлар бу ерда ўқиш учун ҳужжат топширди. Филиалимизда Россия Федерациясининг Приволжск илмий текшириш тиббиёт институти, Қозон федерал университети билан қўшма дастурлар асосида мутахассислар тайёрланыпти.

кил этиш вазифасини қўйди. Бу эзгу ташаббуснинг амалга оширилиши туфайли беморларнинг ортқча сарф-харажат қилиб пойтахтга боришига ҳоҳат қолмайди. Йиғилишда муҳокама этилган тиббиёт кластерларини ташкил қилиш, тиббий хизмат кўрсатиш тизимини рақамлаштириш бўйича берилган топшириқлар ижроси йўналишида туб ўзарилиш ясайди. Ушбу янги лойиҳалар соҳада коррупцияни йўқотиш ва хизмат кўрсатиш сифати кескин яхшилашига олиб келади. Президентимиз тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртлари мавжуд бўлмаган вилеятларда тиббиёт институтиларининг филиаллари, қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади. Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали мамлакатимиздаги турдош олий таълим муассасалари орасида мустаҳкам моддий-техник базага, энг замонавий ўқув-лаборатория хоналари билан таъминланганлиги билан ажралаиб туради. Тақдиримиз шуки, 28 йилдан буён филиал сифатида фаолият кўрсатиб келаётган ушбу таълим муассасасига эндликда институт ёки университет мақоми берилса, айни муддао бўларди.

Президентимиз тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртлари мавжуд бўлмаган вилеятларда тиббиёт институтиларининг филиаллари, қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади. Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали мамлакатимиздаги турдош олий таълим муассасалари орасида мустаҳкам моддий-техник базага, энг замонавий ўқув-лаборатория хоналари билан таъминланганлиги билан ажралаиб туради. Тақдиримиз шуки, 28 йилдан буён филиал сифатида фаолият кўрсатиб келаётган ушбу таълим муассасасига эндликда институт ёки университет мақоми берилса, айни муддао бўларди.

Отабек САПАЕВ, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали кафедра мудири, тиббиёт фанлари доктори.



БИМОРЛАР ИШОНЧИ БИЗГА МАДАД БЎЛДИ

Жаҳон миқёсида коронавирус аталмиш бало пайдо бўлиши билан сергак тортиб, дунёда ушбу дардини бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган тажрибаларни ўрганиш билан бирга, беморларда кечаётган ҳолатларни таҳлил қилиб бордим. Шу боис ҳар қандай вазиятга тайёрдек эдим, гўё. Бироқ шу йилнинг 29 март кўни айнан коронавирус билан касалланган беморларни даволаш жараёнига жалб қилинганимда, тўғриси, бир оз саросимамга тушдим.

Айниқса, республика бўйлаб ўтказилган онлайн конференциялар орқали ўзаро таъриба алмашдик. Шу тариқа бу борада таъриба мактаби яратилди.

Инсонни дард эмас, ваҳима ўлдирди. Вирус хуружи юртимизда илк бор кузатилгани боис беморлар ниҳоятда кучли руҳий ҳолатда эди. Улар, “доктор, энди ўламанми?” деган яғона саволни берарди. Бундай саволни эшитган тиббиёт ходимларининг юраги зил кетишини тасаввур қилаверинг. Шу ҳолатдаги беморни тирик қолишига ишонтириш учун ҳам шифокору ҳамширалар нечоғли руҳшон бўлиши кераклигини тушунагандисиз!

Фаолиятимиз давомида энг ёши 4 ойлик, энг ёши уч йўшқил беморни даволадим. Мухими, беморлар бизга ишониди ва уларнинг ишончи бизга катта мадад бўлди.

Дилмурод ҚАЛАНДАРОВ, Андижон давлат тиббиёт институти доценти, тиббиёт фанлари номзоди.

Таъкид

Боси, гарчи шифокор бўлсам-да, аслида, мен ҳам инсонман. Бир зум 80 ёшни қоралаган ота-онам, эндигина воёга етган фарзандларим кўз олдимишга келди. Оилада ёлғиз боқувчи бўлганим боис, мабодо, ўзим вирус юқтириб олам, оқибати нима бўлишини ўйлаб, оромим қочди. Аммо буни ўйлаб ўтирадиган пайт эмас эди. Ўз манфаатимни, умримни ўзгалар ҳаётидан устун қўйишга ҳаққим йўқ эди...

Хуллас, қисқа муддат ичида юзга яқин беморларни даволаш жараёнида иштирок этдим. Уларнинг 30 нафаридо COVID-19

аломати бор эди. Айниқса, 6 нафар беморнинг ҳолати ўрта даражада оғир бўлиб, ҳар сонияда салбий ёки ижобий натижани кутиш мумкин эди. Шифокорлар, ҳамширалар кўни тунга, тунни тонга уладилар. Ҳар биморнинг саломатлигини асраб қолиш учун бор кучларини аямашди. Натижада 11-12 кун деганда, беморлар соғлиғи тиклана бошлади.

Бу жараён биз учун таъриба мактаби бўлди. Ахир муолажа бошлагандан аввал қайси таъриба асосида иш олиб боришни ҳам билмасдик. Беморларнинг ҳолатига қараб иш кўришимизга тўғри келди.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА КЕЛГУСИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ КЎЗДА ТУТИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР:

- умумий амалиёт шифокори ҳақиқий оилавий оилавий шифокорга айлантирилиди;
- 5 ёшгача бўлган болалар, ҳомилдор, туғиш ёшидаги ва 35 ёшдан ошган аёллар, 40 ёшдан ошган шасхлар доимий назоратта олиниб, скрининг текширувлари ўтказилади;
- олис худудлардаги бирламчи бўғинга ишга кирган тиббиёт ходимларига 30 миллион сўм микродорида бир мараталк пул маблағи берилди, улар хизмат ўйи билан таъминланади ёки ижара тўлимини компенсация қилинади;
- келгуси йили 100 та кишлоқ врачлик пункти ва 24 та оилавий поликлиника ташкил этилади;
- келгуси йил 1 июндан бошлаб, 5 ёшгача бўлган болалар витаминлар ва микроэлементлар билан, 10 ёшгача ўғил-қизлар паразитларга қарши дори билан, ҳомилдор, эмизилма аёллар ва 15 ёшгача бўлган болалар йод препаратлари билан, 35 ёшгача аёллар фоллий кислотаси ва феррум билан бепул таъминланади;
- ҳар бир худуддаги касалликлар таркибига қараб, ихтисослаштирилган даволаш муассасалари ташкил этилади.

ОРАМИЗДАГИ ҚАҲРАМОНЛАР

Дабдаба азалдан яхшилик келтирмаган. Қариндошим қизининг фотиҳа тўйини 50 дан зиёд одамлар билан ўтказди. “Нега бунчалик дабдаба? Беш-олти одам билан ҳам иччамизга қилиб ўтказса бўлади”, десак, у “элчилик, танишларни тийида айтмасам, уя бўлади”, деб тури олди. Олий маълумоти кишидан бу жавобни эшитиб, хафа бўлсам-да, ноилоҳ қолдик...

Миннатдорлик

Оқибатда, ўша маросимдан кейин бутун оила азозларимиз коронавирусга чалиндик. Аммо энди кеч бўлган. Айниқса, мен ва рафиқамда касаллик оғир кечди. Рафиқам Вирусология илмий текшириш институти клиникасида, мен эса Мудофаа вазирлиги томонидан пойтахтимиздаги “Узэкспо-марказ” Миллий кўргазмалар макмуасида ташкил этилган махсус тақсимот марказида даволандим. Марказга 2020 йилнинг 2 октябрида муҳожаат қилдим. Мени дарҳол палатага олишиб, интентив даволашни бошлаб юборишди. Аҳолини анча оғир, хилдй муолажага муҳтож эдим. Клиника шифокорлари Ш. Шарипов ва С. Ибрагимова жонбозлик кўрсатиб, мени тезда оёққа турғазиди. Айниқса, ХХРнинг Ухань шаҳридаги касалхона шифокорлари билан таъриба алмашган Садоқат Ибрагимова жонимга оро кирди. У касалликни енгиш беморнинг иро-

дасига боғлиқ эканини таъкидлаш баробарида, ўпка гимнастикаси бўйича зарур кўрсатмаларни мунтазам бериб турди. Ҳақиқатан ҳам марказда фақатгина позитив кайфиятдаги бемор хасталиқни енгиши мумкинлигига кўп гувоҳ бўлдим. Жараёнда шифокорлар инновацион усулларни ҳам қўллашаётгани боис беморлар кандай оғир аҳволда бўлмасин тезда соғаймоқда. Бу ерда ўпкаси 70 фоизгача зарарланган беморларни ҳам узоғи билан бир ҳафтада тузатишганига ўзим гувоҳ бўлдим. Бу жараён тиббиёт ходимларидан катта масъулият, фидойиллик ва салоҳият талаб қилади, албатта.

Шу ўринда айтиш жоизки, ўрта бўғин тиббиёт ходимлари меҳнати ҳам таҳсинга лойиқ. Чунки шифокор кўрсатмалари ва тавсияларининг ўз вақтида муолажаси даволашнинг асосий омилли ҳисобланади. Марказнинг 4-бўлиммаси-

да меҳнат қилаётган ҳамширалар Холида Абдуллаева, Зилола Толибқонова ва Гузал Аликүлова-нинг меҳнати алоҳида таъкидлашни истардим. Умуман айтганда, кечаю кундуз тиним билмай ишлаётган турли бўғин тиббиёт ходимларининг хизматини ҳеч қандай баҳо мезони билан ўйлаб бўлмайди.

Клиникада дори-дармон таъминоти билан ҳеч қандай муаммо йўқ, ҳаммаси ўз вақтида берилмоқда. Озиқ-овқат таъминотида ҳам узил-шиллар кузатилмади — таомилар хушхўр ва сифатли. Бу давлатимизнинг пандемия балосидан халқимизни ҳимоя қилишда ҳар қандай сарф-харажатга тайёрлигидан далолат.

Яқунда айтар гапим шуки, юртдошларимиз бунинг қадрига етиб, карантин қоидаларига қатъий риоя қилишлари шарт. Зеро, бугун бу балодан қутулишнинг бошқа йўли йўқ.

Тўлқин САЙДАЛИЕВ, Миллий гардия Ҳарбий-техника институти доценти.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ — КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЗЧИЛ КУРАШИЛМОҚДА



Давлат хизмати тизими тубдан такомиллаштирилди. Давлат хизматчиларининг ижтимоий ҳимоси кучайтирилиб, сўнгги йилларда иш ҳақлари сезиларли оширилди. Коррупция кенг тарқалган капитал қурилиш ва олий таълим соҳаларида "Коррупциясиз соҳа" лойиҳасини амалга ошириш бошланди.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Пискент тумани бўлими бош инспектори М. ана шундай "удабуронлар" дан экан. Гап шундаки, у Халқ банки кассири Х. билан бирга 142 нафар вафот этган фуқаро номига пенсия расмийлаштириб, жами 86 млн. сўмини ўзлаштириб юборган.

пул айланмалари амалга оширилиб, 19 млрд. сўм солиқ тўловидан қочишга эришилган, шунингдек, жиноий йўл билан топилган 200 млн. сўм легаллаштирилган. Ҳозир Т. ва унинг 14 нафар жиноий шериклари судда жавоб бермоқда.

Қарийб 2 минг нафар мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилди

Очиқ ва ошқора руҳда ўтган йилги ҳисобот айрим соҳаларда коррупциянинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашишда тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлиги кўрсатилди. Таассуфки, республикада ўтган йилда 1 минг 986 нафар мансабдор шахс коррупциявий жиноятлари содир этганини учун жиноий жавобгарликка тортилган.

Сохта фирмалар, ноқонуний ҳужжатлар

Ҳозир Э. ва унинг жиноий шериклари қамоққа олинди, суд олдида жавоб бермоқда. Аҳолининг иқтисодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш учун турли ижтимоий лойиҳаларга ажратилган бюджет маблағлари муҳтожларга етиб бормасдан, айрим банклар мансабдор шахслари томонидан талон-торож қилинмоқда.



лиги соҳасига дахлдор вазирлик ва идораларнинг 391 нафар ходими турли кўринишдаги жиноятлари учун жавобгарликка тортилган. Мисол учун, Янгийўл тумани қишлоқ ҳўжалиги бўлими бошлиғи Ю. "В.И.Б." фермери ҳўжалиги раҳбари В. билан тил бириктириб, фермер ҳўжалигининг 30 сотих ер майдонини сохта кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш орқали 38 минг 400 долларга сотиб юборган.

Бозорлардаги «ўйин»лар

Бозорлар фаолиятини тўғри ва самарали ташкил қилиш ҳокимликлар зиммасидаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бироқ бозорларда таниш-билишчилик, турли суистеъмол ва талон-торожчилик кузатишмоқда.

ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Йилги амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, айрим камчиликлар ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, баъзи вилоят ва туман ҳокимлиги ҳамда мутасадди раҳбарлари томонидан қўриқдаги Фармон билан тасдиқланган Қишлоқ ҳўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш бўйича "Йўл харита"сининг 50-бандида кўзда тутилган топшириқларнинг ижроси шу кунгача таъминланмаган.

ишлаб чиқиш, ер ости суви истеъмолчиларининг ягона давлат статистик ҳисобот юритиш тартибини таъбиқ этиш ҳамда ер ости сувларидан фойдаланишнинг мониторинг тизимини ривожлантириш, қайта тикланадиган ва фойдаланишга қиритилган ер майдонларининг манзилли рўйхатини шакллантириб, Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар қиритиб бориш, шунингдек, сув истеъмолчилари ҳамда сувдан фойдаланувчилар томонидан сув олиш тартибини бузганлик учун жавобгарликни қучайтиришни назарда тутадиган бандларнинг ижроси белгиланган муддатларда бажарилмагани кўмига аъзоларининг эътирозларига сабаб бўлди.

ХАЛҚ РОЗИЛИГИ — ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИ

Катталар бекорга йўлга чиқаётганда "Йўлинг беҳатар бўлсин", "Аллоҳим паноҳида асраб, йўлда йўлдошинг бўлсин" дея дуо қилишмаган. Ахир, олис манзилларни яқин қиладиган равон йўл ва улвдир. Йўл ёки кўприк қурган одамга қанча савоб ёзилиши ҳам муқаддас китобларда келтирилган.

Депутат ва сайловчи

...Ростини айтсам, депутат бўлиб, сайловчилардан бундай қаттиқ гап эшитман, деб ўйламагандим. Учрашувда бир сайловчи илгари ҳал бўлмаётган муаммо учун менга кескин гапирди. "Бу муаммонинг ҳал бўлишига ишонмай қўйманман, сиздан олдингиларга ҳам айтганман, вазириликка ҳам ёзганман, лекин ҳеч қанақа натижа бўлмаган. Сиз ҳам бу ишни амалга ошира олмайсиз", деб менга ҳам шубҳа билан қаради.

мутасаддилар ва ахволдан беҳабарми? Ё ҳали-ҳамон "бизга шу ҳам бўлаверадим" қабилида иш тутаяптимикин? Бу саволларга депутат сифатида ўзим жавоб топишим кераклигини ҳис қилган ҳолда, ваколатим доирасида ишга киришдим. Тегишли вазирлик ва мутасадди раҳбарлар эътиборини икки қишлоқ одамларининг оддийгина кундалик юмушларини бажариш учун қийинчиликлар инсанжазида қолмаётганига қаратдим. Кўприк қурилса фақат йўлларни эмас, дилларни ҳам тўлатиришни, қўни-қўшничилик, қариндошлик ва қадимий қадриятлар, урф-одатларни тиклашни — бу эса икки қишлоқ аҳлининг узоқ йиллик орзуси эканини айтишдан чарчамадим...

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» АТБ
Банкоматлар (дастурий таъминоти билан) сотиб олиш юзасидан тақлифлар қабул қилишнинг билдиради.
1. Банкоматларга бўлган техник талаб: 20 донна банкомат «Uzcard» ва халқаро тўлов карталарини қабул қиладиган, «Cash out» функциясига эга ва дастурий таъминоти билан бўлиши лозим.

ЭЪЛОНЛАР
ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ (ТИҚХММИ)
2020/2021 ўқув йили учун қуйидаги кафедраларнинг вакант жойларига танлов эълон қилади.
Ирригация ва мелиорация кафедраси — доцент;
Экологик геоахборот тизимлар маркази — доцент, катта ўқитувчи;
Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси кафедраси — доцент;
Гидрометеорология ишларини механизациялаш кафедраси — профессор;
Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси — кафедра мудири, доцент;
Гуманитар фанлар кафедраси — кафедра мудири, доцент;
Электр таъминоти ва қайта тикланувчан энергия манбалари кафедраси — профессор, доцент;
Иқтисодий кафедраси — кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи;
Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси — кафедра мудири;
Инглиз тили кафедраси — катта ўқитувчи, ўқитувчи.

